

Хасан АХМЕДОВ

Тошкент молия институти

ЎЗБЕКИСТОН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТЛАРИНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Тижорат банклари кредитлари ҳажмининг барқарор ўсишини таъминлаш миллий иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг инвестицион харажатларини молиялаштириш амалиётини такомиллаштиришнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг 2020-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясида банклар кредитларининг барқарор ва мўътадил ўсишини таъминлаш банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилган.

Мақолада мамлакат банклари кредитларининг барқарор ўсишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган впа уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: тижорат банки, кредит, кредит портфели, таснифланган кредитлар, муаммоли кредит, даромад, фоизли даромад, фоиз ставкаси, инфляция, депозит.

ISSUES OF PROVIDING SUSTAINABLE GROWTH OF CREDITS OF COMMERCIAL BANKS IN UZBEKISTAN

Abstract. Ensuring the stable growth of commercial bank loans is one of the necessary conditions for improving the practice of financing investment costs of enterprises of the real sector of the national economy. Therefore, in the 2020-2025 strategy for reforming the country's banking system, ensuring stable and moderate growth of bank loans is recognized as one of the priority areas of banking system reform.

In the article, the problems related to ensuring the stable growth of loans of the country's banks are identified and scientific proposals aimed at solving them are developed.

Keywords: commercial banking, loan, loan portfolio, classified loans, problem loan, income, interest income, interest rate, inflation, deposit.

Кириш

Ўзбекистон Республикасида ҳам тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Хусусан, 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида фақатгина бозор талаблари асосида кредитлаш, банкларнинг давлат ресурсларига бўлган қарамлигини камайтириш, кредит портфели сифати ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмлари ўсишининг мўътадил даражасига амал қилиш мамлакат банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясининг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган [1]. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банклари кредитларининг барқарор ўсишини таъминлаш заруриятини юзага келтиради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Ж. Синкининг фикрича, банкларнинг асосий фаолияти кредитларни депозитлар орқали молиялаштиришдан иборат. Бироқ, агар илгари банклар фақат молиявий ресурсларни тақсимлаш жараёнида воситачилар сифатида қаралган бўлса, иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида уларни ахборот ишлаб чиқариш ва операцияларни таъминлаш билан шуғулланадиган корхоналар, деб ҳисоблаш мумкин [2].

Уэрта де Сотонинг хулосасига кўра, тижорат банклари инвестицион кредитларининг фоиз ставкаларини пасайиши бунга қадар фойда келтирмаётган инвестиция лойиҳаларини фойда келтирадиган инвестиция лойиҳаларига айлантиради ва банклар томонидан ихтиёрий жамғармалар билан таъминланмаган кредитлар ҳисобидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштирилиши натижасида инвестиция лойиҳаларининг барбод бўлиши ва берилган кредитларнинг қайтмаслиги ҳолатлари юзага келади [3].

В.Каюков ва А.Каюковларнинг фикрига кўра, банклар томонидан корхоналарни банкларнинг кредитлари билан таъминлаш механизминини такомиллаштириш учун тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш, банкларнинг актив ва пасивларининг ҳажми ва муддатига кўра мутаносиблигини таъминлаш лозим [4].

О.Лаврушиннинг хулосасига кўра, кредит линияси доирасида йириклаштирилган объект бўйича қисқа муддатли кредитлашнинг йирик корхоналар учун қуйидаги афзалликлари мавжуд:

- фақат юридик шахсларга берилади;
- банкнинг мижозлари бўлиб фақат йирик корхоналар ҳисобланади;

- кредит олувчилар бўлиб доимий равишда қисқа муддатли ресурсларга эҳтиёжи бўлган корхоналар ҳисобланади;
- ушбу кредитни олувчиларнинг асосий ҳисобрақами кредит бераётган банкда бўлади;
- кредит фақат молиявий жиҳатдан ишончли бўлган мижозларга берилади [5].

Ж.Гудлнинг хулосасига кўра, коронавирус пандемиясининг банкларнинг кредитлаш амалиётига нисбатан салбий таъсири кредитларнинг қайтмаслиги натижасида банкларда ликвидлилик муаммосида намоён бўлмоқда. Ушбу муаммони ҳал қилиш мақсадида биринчидан, Англия Ҳукумати томонидан кафолатланган кредитлар сифати 330 млрд. фунт стерлингга кафолат бериш белгиланди; иккинчидан, Англия Марказий банки 2020 йил 19 мартда ўзининг 325 йиллик тарихи мобайнидаги энг паст дисконт ставкасини (0,1%) ўрнатди [6].

Бир гуруҳ хитойлик иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, Марказий банкнинг мажбурий захира талабларини пасайтириш орқали кредитларнинг фоиз ставкаларини пасайтириш короанвирус пандемиячси оқибатларининг тижорат банкларининг кредитлаш амалиётига нисбатан салбий таъсирини юмшатишда муҳим ўрин тутди. Хитой Халқ банки 2020 йил 13 мартда 550 млрд. юань (70,3 млрд. АҚШ доллари) микдоридаги маблағларни бўшатиш мақсадида захира талабларини камайитишини эълон қилди. Шу муносабат билан кредит тўловига лаёқатли корпорацияларга бериладиган бир йиллик кредитларнинг ставкаси 0,1 фоизга, беш йиллик кредитларнинг ставкаси 0,05 фоизга пасайтирилди [7].

О. Саттаровнинг хулосасига кўра, кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражасини юқори бўлиши тижорат банклари барқарорлигини таъминлаш нуктаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади [8].

Л.Мурадованинг хулосасига кўра, тижорат банклари кредит портфелининг 25 фоизини ташкил этадиган муайян тармоқ корхоналарини кредитлашда чекловларни кўзда тутувчи кредитлашнинг тармоқ лимитларини белгилаш орқали тижорат банклари кредит портфелини диверсификация қилиш даражасини ошириш зарур [9].

Н.Жумаевнинг хулосасига кўра, халқаро кредитлар бўйича қарздорлик муаммосининг чуқурлашиши халқаро инвестицион кредитлардан фойдаланиш самарадорлигининг паст эканлиги билан белгиланади [10].

Таҳлил ва натижалар

Тараққий этган мамлакатларнинг банк амалиётида банклар томонидан корхоналарни кредитлашда кредитлаш шаклларида комплекс фойдаланиш йўлга қўйилган бўлиб, уларнинг инвестицион харажатларини кредитлашда лизинг кредитлари ва синдицияли кредитлардан кенг фойдаланилмоқда.

Бунинг устига, кредитлардан кўриладиган зарарларни қолплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг меъёрий даражасини таъминланганлиги уларнинг кредитлаш салоҳиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Шунингдек, тараққий этган мамлакатларда кредит портфелининг диверсификация даражасига катта эътибор қаратилиши кредит риски даражасини ошиб кетишининг олдини олишда муҳим ўрин тутди. Масалан, АҚШ банклари кредит портфелининг диверсификация принципинга қатъий амал қилади. Шунинг усун ушбу мамлакат тижорат банкларининг кредит портфелида битта тармоқ корхоналарига берилган кредитларнинг салмоғи 25 фоиздан ошмайди.

Тижорат банклари кредитларининг барқарор ўсишини таъминлашнинг бирламчи зарурий шартларидан бири бўлиб, кредитларнинг фоиз ставкаларини паст ва барқарор бўлиши ҳисобланади.

Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали Россия тижорат банкларининг депозитлари ва кредитларининг фоиз ставкалари барқарорлигига баҳо берамиз (1-жадвал).

1-жадвал

Россия Федерацияси тижорат банкларининг миллий валюта-рублдаги депозитлари ва кредитларининг ўртача йиллик фоиз ставкалари, фоизда[11]

Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Депозитларнинг фоиз ставкаси	8,2	5,9	5,6	4,1	4,4
Кредитларнинг фоиз ставкаси	12,1	10,5	9,5	8,3	8,8

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, 2017-2020 йилларда Россия Федерациясининг тижорат банклари томонидан миллий валютада қабул қилинган депозитларнинг ўртача фоиз ставкасини пасайиш тенденцияси кузатилган. Ушбу пасайиш тенденцияси мазкур даврда тижорат банклари томонидан миллий валютада берилган кредитларнинг ўртача фоиз ставкасини пасайиш тенденциясига эга бўлганлиги билан изоҳланади. Бунинг

устига, Россия тижорат банклари депозитлари ва кредитларининг ўртача фоиз ставкалари 2021 йилда 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган. Ушбу ҳолатлар тижорат банкларининг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан миллий валютадаги депозитлар ва кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкалари, фоизда [12]

Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Миллий валютада жалб қилинган муддати 1 йилгача бўлган депозитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси	14,2	14,9	16,1	16,3	15,5
Миллий валютадаги кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси	16,2	21,1	23,7	22,3	20,8

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан, республикамиз тижорат банклари томонидан миллий валютада жалб қилинган депозитлар ва миллий валютада берилган кредитларнинг фоиз ставкалари 2017-2021 йилларда нисбатан юқори бўлган.


3-жадвал

Bank of Америкада (АҚШ) кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг миқдори ва даражаси [13]

Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Кредитлар бўйича захира миқдори, млн. АҚШ доллари	3396	3282	3590	11329	4594
Кредитлар бўйича захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси, %	0,1	0,1	0,1	0,4	0,1

3-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, Bank of Америкада кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари 2018-2020 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, банкнинг кредит хизматларини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Аммо, 2021 йилда ушбу кўрсаткичнинг даражаси 2020 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган.

3-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, Bank of Americaда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси 2017-2021 йилларда барқарор бўлган (фақат 2020 йил бундан мустасно). Бу эса, банкнинг кредит хизматларини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.



1-расм. АТ “Асакабанк” ва АТ “Туронбанк”да кредитларнинг даромадлилиги [14]

1-расм маълумотларидан кўриш мумкинки, Асакабанкда кредитларнинг даромадлилиги 2021 йилда 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган. Бироқ, 2020 йилда 2019 йилга нисбатан ушбу кўрсаткичнинг пасайиши кузатилган.

1-расм маълумотларидан кўриш мумкинки, Туронбанкда кредитларнинг даромадлилиги 2021 йилда 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган. Аммо, 2020 йилда ушбу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган.

Хулоса

Тадқиқот жараёнида қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

депозитлари ва кредитларининг фоиз ставкалари барқарорлигига баҳо

*2017-2020 йилларда Россия Федерациясининг тижорат банклари томонидан миллий валютада қабул қилинган депозитларнинг ўртача фоиз ставкасини пасайиш тенденциясини кузатилганлиги мазкур даврда тижорат банклари томонидан миллий валютада берилган кредитларнинг ўртача фоиз ставкасини пасайиш тенденциясига эга бўлганлиги билан изоҳланади;

* республикамиз тижорат банклари томонидан миллий валютада жалб қилинган депозитлар ва миллий валютада берилган кредитларнинг фоиз ставкалари 2017-2021 йилларда нисбатан юқори бўлган;

3-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, Bank of Америкада кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари 2018-2020 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, банкнинг кредит хизматларини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Аммо, 2021 йилда ушбу кўрсаткичнинг даражаси 2020 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган.

* Bank of Америкада кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражасини 2017-2021 йилларда барқарор бўлганлиги банкнинг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади;

* Асакабанкда кредитларнинг даромадлилиги 2021 йилда 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада ошгани ҳолда, Туронбанкда кредитларнинг даромадлилиги 2021 йилда 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган.

Фикримизча, республикамиз тижорат банклари кредитларининг барқарор ўсишини таъминлаш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Тижорат банклари кредит портфелининг сифатини ошириш учун, биринчидан, кредитлаш амалиётига замонавий банк технологияларини жорий қилиш йўли билан кредитларнинг баҳосини арзонлаштириш керак; иккинчидан, кредитлардан олинган фоизли даромадлар билан муддатли депозитлар бўйича фоизли харажатлар ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш зарур; учинчидан, корхоналарга берилган кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари миқдорининг ошиб кетишини олдини олиш мақсадида таснифланган кредитлар таркибининг ёмонлашишига йўл қўймаслик керак.

2. Тижорат банклари кредитларининг ресурс таъминотини яхшилаш мақсадида, биринчидан, муддатли депозитларни мажбурий захира талабномасидан озод қилиш керак; иккинчидан, тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан боғлиқ бўлган эмиссион операцияларини пул-кредит сиёсати ва давлатнинг солиқ сиёсати инструментлари воситасида қўллаб-қувватлаш лозим учинчидан, тижорат банкларининг депозитларнинг барқарор бўлмаган қолдиғидан ресурс сифатида фойдаланишларини таъқиқлаш керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони//www.lex.uz.

2. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. - М.: Альпина Бизнес Букс, 2007. - 1018 с

3. Уэрто де Сото Хесус. Деньги, банковский кредит и экономические циклы. Пер. с англ. – Челябинск: Социум, 2008. – 666 с.

4. Каюков В.В., Каюков А.В. Совершенствование механизма обеспечения промышленных предприятий кредитными ресурсами//Труды Вольного экономического общества России. – Москва, 2007. – Том №86. – С. 135-145.

5. Лаврушин О.И. Краткосрочное кредитование по укрупненному объекту в пределах кредитной линии. Банковское дело. Под ред. Проф. О. Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2016. – С. 430.

6. Goodell J.W. COVID-19 and finance: Agendas for future research // Finance Research Letters. 2020. Vol. 3. P. 103-105.

7. Xin E., Leung K., Xu St., Jiang F. Top ten issues for directors of commercial banks amid COVID-19: Building a better working world. China: Ernst & Young, 2020. 10 p.

8. Саттаров О.Б. Ўзбекистон Республикаси банк тизми барқарорлигини таъминлаш методологиясин такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – Б. 25-26.

9. Мурадова Л.Ф. Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш шароитида тижорат банклари активлари даромадлилигини ошириш йўллари. И.ф.б.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – Б. 22.

10. Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – Б. 26.

11. Статистический бюллетень Банка России//www.cbr.ru (Центральный банк Российской Федерации).

12. Миллий валютадаги депозитлар ва кредитларнинг фоиз ставкалариставкалари//www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки).

13. Bank of America. Sheet. Annual Reports. 2017, 2018, 2019, 2020, 2021//<http://www.bankofamerica.com>



14. АТ «Асакабанк». Йиллик ҳисоботлар. 2017, 2018, 2019, 2020//www.asakabank.uz; АТ «Туронбанк». Йиллик ҳисоботлар. 2017, 2018, 2019, 2020//www.turonbank.uz